

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УДК:332.025(575.1)

**ШАРИФХОДЖАЕВА КОМИЛА УЛФАТОВНА**

**РИСКЛАРНИ КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ ФОЙДАСИГА  
ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА КАМАЙТИРИШ**

**08.00.07 - «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент- 2010**

**Диссертация иши Тошкент Молия институтида бажарилган.**

- Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Ваҳобов Алишер Восиқович.**
- Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, доцент  
**Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич**
- иқтисод фанлари номзоди  
**Карлибаева Рая Хожабаевна**
- Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши**  
**академияси.**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган**  
**кенгаш илмий котиби,**  
**иқтисод фанлари номзоди**

**Ф. Мирзаев**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Кичик бизнес корхоналари мулкдорлар синфини шакллантириши, кишиларни иш жойлари ва даромад манбаи билан таъминлаши, ўз фаолиятини кам молиявий ресурслар ва тезкорлик билан ташкил эта олиши, истеъмол талабларининг ўзгаришига тез мослаша олиши, бозор конъюнктураси ўзгаришига мувофиқ тарзда ўз фаолият йўналишини тез ва нисбатан асоратсиз ўзгартира олиши, тадбиркорликнинг янги кўникмаларини шакллантириш ва оммалаштириш, эркин рақобат муҳитини шакллантиришга фаол таъсир кўрсатиши билан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кичик бизнеснинг мамлакат ҳаётидаги ўрнига тўхталиб: “нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда”<sup>1</sup> деб таъкидладилар.

Ўз навбатида, кичик бизнесни жадал ривожлантириш улар фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашни тақозо этади. Бу эса, кичик бизнес субъектлари фойдасининг барқарор даражасини таъминлаш ва унинг рискларга таъсирчанлигини камайтиришнинг такомиллашган тизимини шакллантириш заруриятини юзага келтиради. Бундай вазифани ҳал этиш, ташкил этилаётган кичик бизнес корхоналари сонини кўпайтириш ва фаолият кўрсатаётган корхоналар самарадорлигини оширишга боғлиқ бўлади. Бинобарин, ушбу ҳолат уларнинг фойда олиб фаолият кўрсатишини талаб қилади.

Бозор иқтисодиётининг эркин иқтисодий муносабат ва очиқ рақобат муҳитига асосланганлиги кичик бизнес корхоналари фойдасига турли кўриниш ва даражадаги рискларнинг таъсир кўрсатиши эҳтимоллиги ва уларни олдиндан ўрганиш, аниқлаш, баҳолаш, бошқариш ва таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

Халқаро амалиётнинг тасдиқлашича, янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналарининг ўртача уч йил ичида 80 фоизи банкротликка учрайди<sup>2</sup>. Шу боисдан рискларни самарали бошқариш, таъсир даражасини камайтириш ва олдини олиш вазифаси муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсирини баҳолаш ва камайтириш масалаларининг алоҳида мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги мазкур масалани атрофлича тадқиқ қилиш ва бу йўналишда кичик бизнес корхоналари фойдаси шаклланишининг барча омилларидан оптимал даражада фойдаланиш ва уларга рискларнинг таъсирини

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - Б. 63.

<sup>2</sup> <http://www.westpac.co.nz/olcontent/olcontent.nsf/Content>.

олдиндан баҳолаш ва камайтириш зарурияти тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корхоналарда фойда, рисклар таҳлили, уларни бошқариш ва камайтириш масалаларининг айрим жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан В. Бочаров, М. Грачева, С.Ефимов, В.Ковалев, В.Леонтьев, Р.Попова, И.Самоноваларнинг<sup>3</sup> илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Корхоналар фойдасининг шаклланиши ва унга рискларнинг таъсирини баҳолаш ва камайтиришнинг назарий ва амалий масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан О.Абдурахмонов, М.Алимардонов, Ш.Абдуллаева, Т.Боймуродов, А.Ваҳобов, Ҳ.Джамалов, К.Каримова, Т.Маликов, Ф.Мирзаев, Қ.Муфтайдинов, О.Олимжонов, Б.Тошмурадова ва Ғ.Яхшибоевларнинг<sup>4</sup> илмий ишларида ўрганилган.

Юқорида қайд этилган муаллифларнинг илмий изланишлари тадқиқот сифатида танланган мавзуга бевосита ёки билвосита дахлдор бўлса-да, уларда айнан рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсири алоҳида мустақил объект сифатида тадқиқ қилинмаган.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент Молия институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** – Ўзбекистон Республикасида рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсирини баҳолаш ва камайтиришни такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқотда кўзланган мақсадга эришиш учун куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- кичик бизнес корхоналари фойдаси шаклланишининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсир этувчи рискларни таснифлаш ва уларни баҳолашнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;
- республикамызда кичик бизнес корхоналари фойдасига рискларнинг таъсирини амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва таъсир даражасига баҳо бериш;
- Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес корхоналари фойдасига рискларнинг таъсирини баҳолаш ва камайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш;

<sup>3</sup> Леонтьев В.Е., Бочаров В.В. Финансовый менеджмент. - СПб.: ИВЭСЭП, Знание, 2004. - 520 с.; Грачева М.В. Анализ проектных рисков. - М.: Финстатинформ, 1999. - 216 с.; Ковалев В.В. Курс финансового менеджмента: учеб. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 448 с.; Попова Р.Г., Самонова И.Н., Добрасердова И.И. Финансы предприятий. – СПб.: Питер, 2007. – 208 с.

<sup>4</sup> Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002. - 304 б.; Абдуллаев Ё.А., Юлдашев Ш.А. Малый бизнес и предпринимательство: Учебник. - Т.: Иқтисод-молия, 2008. - 340 с.; Ваҳобов А.В. Жамолов Х.Н. Банковское кредитование малого бизнеса: особенности и проблемы современной практики. Халқаро илмий-амалий конференция. - Т.: ТМИ, 2004. 264-268-б.; Каримова К.Д. Кичик бизнес корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашда рискларни бошқариш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. -Тошкент, 2009, - 24 б.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. - Т.: Академия, 1999. - 192 б.; Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. - Т.: Молия, 2006. – 134 б.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Андижон, 2004. - 40 б.; Яхшибоев Ғ.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми. Моногр. - Т.: Академия, 2006. - 118 б.

- республикамизда кичик бизнес корхоналари фойдасига рискларнинг таъсирини баҳолаш ва камайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарининг молия-хўжалик фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** - кичик бизнес корхоналари фойдасига рискларнинг таъсирини камайтириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Диссертацияда гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, математик-статистик, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот гипотезаси.** Диссертация иши натижаларининг амалиётга татбиқи рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини бериши мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсирини баҳолашда миқдорий усулидан фойдаланишнинг афзаллиги ва мақсадга мувофиқлиги асосланди;

- рискларни баҳолашда ва уларнинг омилли таҳлилини амалга оширишда инфляция даражаси, солиқлар ва мажбурий тўловлар миқдорини ҳисобга олишнинг зарурлиги асосланди;

- кичик бизнес субъектлари фойдасига рисклар таъсирини камайтириш мақсадида айланиш коэффициентлари даражасининг пасайишига йўл қўймаслик, давлат кредит кафолатларини бериш, товар фьючерсларидан фойдаланиш амалиёти таклиф қилинди;

- кичик бизнес субъектлари тадбиркорлик рискинни суғурталашнинг давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш таклифи асослаб берилди;

- кичик бизнес корхоналари фойдасига ликвидлик рискининг таъсирини камайтириш мақсадида жорий ликвидлик коэффициентининг норматив даражасини директив тарзда белгилаш таклиф қилинди;

- республикамиз кичик бизнес корхоналари фаолиятида бечмаркинг ва аутсорсинг усулларини қўллаш орқали фойдага иқтисодий рискларнинг таъсирини пасайтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Илмий янгилиги:**

- кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсир қилувчи рискларни таснифлашнинг такомиллашган вариантлари ишлаб чиқилди;

- фойдага рискларнинг таъсирини баҳолашда молиявий рискларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди;

- кичик бизнес корхоналари фойдаси кўрсаткичларига ишлаб чиқариш риски, инвестицион риск, ликвидлик риски, товарларни сотиш риски таъсирини камайтириш йўналишлари ишлаб чиқилди;

- суғурта қоплаш суммаларини давлат томонидан кафолатлаш йўли билан кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик рискинни суғурталашни

такомиллаштириш таклифи асосланди;

- кичик бизнес корхоналари фойдасига рискларнинг таъсирини камайтиришнинг илғор, замонавий усулларидан фойдаланиш илмий таклифи асослаб берилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий-амалий аҳамияти шундаки, диссертацияни ёзиш жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсирини баҳолаш ва камайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида "Кичик бизнес ва тадбиркорлик", "Инвестиция рискларини бошқариш" ўқув курсларининг дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" (2009 йил 25 сентябрдаги далолатнома), "TORSVIK MNM" МЧЖ (2009 йил 1 декабрдаги далолатнома), "ALO SIFAT" хусусий корхонаси (2009 йил 16 ноябрдаги), "DALMAT ENG" МЧЖ (2009 йил 9 декабрдаги далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан Тошкент Молия институтида "Кичик бизнес ва тадбиркорлик", "Инвестиция рискларини бошқариш" ўқув курсларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий ғоя ва натижалари "Ўзбекистон Республикаси молия тизими тараққиётининг долзарб муаммолари ва истикболлари" (Тошкент, 2006); "Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари" (Тошкент, 2006); "Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни" (Тошкент, 2007); "Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли" (Тошкент, 2009) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида илмий маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқуланган.

Диссертация иши Тошкент Молия институти бирлашган илмий семинари ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий ишнинг асосий мазмуни ва натижалари 1 та ўқув қўлланма, 5 та илмий мақола ва 5 та маъруза тезисларида ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий ҳажми 130 бетдан иборат бўлиб, ўз ичига 13 та жадвал ва 28 та расмни қамраб олган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Ҳар қандай хўжалик юритиш шаклидаги корхона молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва юритишнинг мақсади фойда ҳисобланади. Фойда корхона фаолиятининг тўхтовсизлигини таъминлаш ва ундаги зарур молиявий ресурсларни шакллантиришнинг муҳим манбаси ҳамдир.

Иқтисодий адабиётда “фойда” категориясининг иқтисодий моҳияти хусусида турлича илмий қарашлар мавжуд. Масалан, А.Смит қўшимча қиймат келиб чиқишининг ҳақиқий сабабини аниқлашга яқинлашган, чунки фойда капиталист билан бевосита боғланган, бунда ишчи ўз меҳнат самарасини капиталист билан бўлишига мажбур бўлади. Бу ҳолатда фойда янги пайдо бўлган қиймат билан иш ҳақининг фарқи айирмасидир: ишчига у яратган товарнинг бир қисми тегади, холос. Қолган қисмини капиталист фойда сифатида олади. Амалда фойда қўшимча қийматдир<sup>5</sup>. Ж. С. Милль эса, фойданинг моҳиятини очиб беришда Д.Рикардо қарашларига таянади. Фойданинг вужудга келиш сабабини “фойда айирбошлаш туфайли эмас, балки меҳнатнинг унумдорлик кучи натижасида вужудга келади”<sup>6</sup>, деб тушунтиради.

Россиялик иқтисодчи олим В.В.Ковалев “фойдани - даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ”<sup>7</sup>, сифатида талқин қилади. Н.Е.Заяц фикрича: “фойда - бу иқтисодий категория бўлиб, хўжалик фаолияти соҳасида яратилган даромадни тавсифлайди ва ишлаб чиқаришнинг турли омилларини (меҳнат, капитал, табиий ресурслар, тадбиркорлик қобилияти) бирлаштириш натижасидир”<sup>8</sup>.

А. Ўлмасов ва А. Ваҳобовларнинг фикрича: “фойда - бу капитал ва тадбиркорлик фаолияти учун улар соҳибига тегадиган пул мукофотидир”<sup>9</sup>.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда, фойдага қуйидагича таъриф бериш мумкин: фойда - иқтисодий категория бўлиб, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилади ва фаолиятнинг якуний натижаси ҳисобланиб, тушум билан харажатлар ўртасидаги ижобий фарқни ифодалайди.

Кичик бизнес корхоналарида соф фойданинг шаклланиши қатор омилларга боғлиқ бўлиб, уни 1-расм билан ифодалаш мумкин.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади<sup>10</sup>: маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда; асосий фаолиятдан кўрилган фойда, хўжалик фаолиятидан олинган фойда, солиқ тўлангунгача олинган фойда, йилнинг соф фойдаси. Бу солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида фойдадан

<sup>5</sup>Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент, “Fan va texnologiya”, 2007. 84-85-б.

<sup>6</sup>Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент, “Fan va texnologiya”, 2007. - Б. 104.


<sup>7</sup>Ковалев В.В. Курс финансового менеджмента: учеб. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - С. 180.

<sup>8</sup>Финансы предприятий: учеб. Пособие / Н.Е.Заяц Ф 59 (и др.); под общ. Ред. Н.Е.Заяц, Т.И.Василевской. – 2-е изд. – Мн.: Высшая. Школа., 2005. - С. 113-114.

<sup>9</sup> Иқтисодиёт назарияси: Дарслик / А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. – Т.: “Шарқ”, 2006. – Б. 179-181.

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорига илова қилинган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом.

тўланадиган солиқни ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни айириб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди.



**1-расм. Кичик бизнес корхоналарида соф фойданинг шаклланиш жараёни ва омиллари<sup>11</sup>**

Иқтисодий эркинлашув шароитида кичик бизнес корхоналари фаолияти ижтимоий йўналтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига асосланганлиги, унинг самараси бўлган фойданинг шаклланиб ва ўсиб боришига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Корхоналарда фойданинг шаклланиши ва кўпайиб бориши уларда ташкил этиладиган инвестицион, операцион ва молиявий фаолият натижаларига бевосита боғлиқдир.


Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятида кутилган фойданинг олинмаслиги, кутилмаган харажатларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ ҳодисалар ёки уларнинг юз бериш эҳтимолликлари рискни намоён этади. Бизнес фикримизча, риск - бу кутилиши мумкин бўлган омад ёки хатар, яъни кўзланган фойдани олиш жараёнига хос бўлган умидсизлик ёки кўп маблағларнинг йўқотилиши ва шу билан бирга ортиб кетиши эҳтимолликлари бўлиб, у қандайдир ҳолатлар, омиллар таъсирида кутиладиган фойданинг пасайиши, ортиши ёки йўқотилиш эҳтимолида намоён бўлади.

Кичик бизнес корхоналари фойдаси шаклланишининг рискка таъсирчанлигини баҳолаш ва камайтириш мақсадида рискларнинг турли

<sup>11</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

белгилари бўйича таснифлаш муҳим аҳамият касб этади. Кичик бизнес корхоналари жорий ва узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишларида қатор рискларга дуч келадилар. Шунинг учун рискларнинг табиатини ва турларини ёритиш учун уларни таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Риск турларининг деярли барчаси кичик бизнес корхоналарининг фойдаси шаклланишига таъсир этади, лекин корхона қайси иқтисодиёт тармоғида ўз фаолиятини юритишига қараб, рисклар таъсири даражаси ҳам ўзгариши мумкин (2-расм).



2-расм. Кичик бизнес корхоналарида рисклар таснифи<sup>12</sup>

Таснифланган ҳар бир рискни объектив хусусиятга эгалigidан келиб чиқиб, унга таъсир этувчи омилларни уларни тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсирчанлигини ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин. Ички омиллар ўз навбатида корхона стратегияси, ресурслар ва уларнинг ишлатилишига, ташқи омиллар эса бевосита ва билвосита таъсир этувчи омилларга бўлинади.

Риск омилларининг бир-бирига боғлиқлиги унинг устуворлигини намоён қилади: маълум бир омилнинг ўзгариши бошқа омиллар ўзгаришига ҳам таъсир этади ва натижада уларнинг риск даражасига таъсирини ҳам ўзгартиради. Рискларни бошқариш жараёнида кичик бизнес корхоналарида рискларни баҳолаш механизми алоҳида аҳамият касб этиб, тадбиркорлик фаолияти натижаларига таъсир этувчи риск ҳисоблаб чиқилади. Рискни баҳолаш - бу риск даражасини миқдорий ва сифат жиҳатдан ҳисоблашдир. Энг аввало, тадбиркорлик рискларини миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳолаш лозим. Сифат таҳлили - бу нисбатан оддий

<sup>12</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

бўлиб, унинг асосий васифаси - кутилиши мумкин бўлган риск турларини аниқлаш ҳамда маълум бир фаолиятда риск даражасига таъсир этувчи омилларни белгилашдир.

Диссертация ишида қатор кичик бизнес субъектлари мисолида фойданинг рискка таъсирчанлиги ҳолатлари таҳлил қилинди ва тегишли илмий хулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилди.

1-жадвал  
**“УМИД ОСИЁ” ХК да фойданинг рискка таъсирчанлик даражаси<sup>13</sup>**  
(млн. сўмда)

Кўрсаткичлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2009 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши
Маҳсулотларни сотишдан олинган тушум	40,9	71,7	160,3	99,4	60,2	147,2 %
Сотилган маҳсулот таннархи	19,3	32,5	68,3	57,2	43,6	225,9 %
Маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда	21,6	39,2	92,0	42,2	16,6	76,8 %
Асосий фаолиятдан олинган фойда	15,9	27,8	75,2	25,3	0,0	0,0 %
Бошқа фаолиятлардан олинган фойда	0,1	0,2	2,4	3,7	2,1	2,1 марта
Ягона солиқ тўлови*	5,5	7,2	21,0	10,0	4,9	89,1
Жорий йилнинг соф фойдаси	6,2	18,1	41,9	18,9	0,0	0,0 %

\* 2005 йил 1 июлдан бошлаб кичик кичик бизнес субъектлари - микрофирмалар ва кичик корхоналарга нисбатан ягона солиқ тўлови жорий этилди.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2005-2007 йилларда “УМИД ОСИЁ” ХК да ялпи фойда, маҳсулотларни сотишдан олинган фойда, асосий фаолиятнинг фойдаси ва соф фойданинг миқдорлари ўсиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур ўсиш маҳсулотларни сотишдан олинган тушум миқдорини ушбу давр мобайнида ўсганлиги ва маҳсулотлар таннархининг тушум ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади. Ушбу кўрсаткич 2005 йилда 47,2 фоизни ташкил қилган ҳолда, 2007 йилда эса, 42,6 фоизни ташкил этди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар “УМИД ОСИЁ” ХК фаолиятидаги фойданинг товарларни сотиш жараёнидаги рисклар ва операцион рискка нисбатан таъсирчанлигининг паст даражада эканлигидан далолат беради ва рискларни бошқариш самарадорлиги нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2008, 2009 йилларда “УМИД

<sup>13</sup> “УМИД ОСИЁ” ХК нинг йиллик баланс ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

ОСИЁ” ХКнинг маҳсулотларни сотишдан олинган фойдасини олдинги йилларга нисбатан кескин суръатларда пасайиши кузатилди. Бу эса, ўз навбатида, асосий фаолиятдан олинган фойданинг ва жорий йилнинг соф фойдасини пасайишига сабаб бўлди. 2009 йилда корхонанинг маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойдаси атиги 16,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилгани ҳолда, у фаолиятини 4,2 млн. сўм миқдоридаги зарар билан яқунлади.

Ушбу муаммонинг юзага келишининг асосий сабаби сифатида фойданинг рискка таъсирчанлик даражасининг таҳлил қилинган давр мобайнида фойданинг товарларни сотиш жараёнидаги рисклар ва операцион рискка таъсирчанлик даражаси юқори бўлганлиги билан белгиланади. 2009 йилда “УМИД ОСИЁ” ХКнинг баҳоларнинг тебраниши натижасида йўқотиш суммаси 10,1 млн. сўмни ташкил қилгани ҳолда, бошқа операцион харажатлар миқдори 7,9 млн. сўмни ташкил этди. Ушбу икки турдаги харажатларнинг миқдори 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 7,1 фоизга кўп демакдир.

2009 йилда “УМИД ОСИЁ” ХК фаолиятини зарар билан яқунлаган бўлсада, 4,9 млн. сўм миқдорида солиқ тўлаган. Бунинг сабаби шундаки, ягона солиқ тўловида солиқ оборотдан тўланади. Шу сабабли, корхона фойда олиши ёки олмаслигидан қатъий назар ҳисобланган солиқни тўлаши зарур.

Шунингдек, 1-жадвал маълумотларидан “УМИД ОСИЁ” ХК фойдасини 2009 йилда ишлаб чиқариш рискига таъсирчанлик даражасининг юқори бўлганлиги кузатилди. 2009 йилда корхона маҳсулотларини сотишдан олинган тушумга нисбатан маҳсулот таннархининг улуши 72,4 фоизни ташкил қилди. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткичнинг 2008 йилдаги даражаси 57,5 фоизни ташкил қилган эди. Таннархнинг тушумга нисбатан кескин ошиб кетиши маҳсулотларни сотишдан олинган тушум суммасининг 2009 йилда 2008 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайиб кетганлиги билан изоҳланади. Мазкур даврда тушум миқдорининг пасайиши суръати 39,4 фоизни ташкил қилди.

Кичик бизнес субъектлари фойдасига бевосита таъсир қилувчи иқтисодий рисклардан бири товар захиралари ва дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициентини секинлашиш rischi ҳисобланади.

Қуйидаги 2-жадвал маълумотлари орқали “УМИД ОСИЁ” ХК мисолида фойданинг мазкур рискларга таъсирчанлик даражасига баҳо берамиз.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2005-2007 йилларда “УМИД ОСИЁ” ХК нинг дебитор қарздорлиги суммасининг камайиши тенденцияси кузатилди. Бу эса, дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициенти даражасининг пасайишига сабаб бўлди. Мазкур даврда маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда миқдори эса, ўсиш тенденциясига эга бўлди. Демак, фойданинг дебитор қарздорликнинг айланиш рискига таъсирчанлиги мавжуд бўлган ҳолда 2009 йилда фойданинг ушбу риск турига таъсирчанлиги сақланиб қолди. Яъни, дебитор қарздорликнинг айланиши секинлашган ҳолда, маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда миқдорининг 2008 йилга нисбатан сезиларли даражада камайиши юз берди.

2005-2007 йилларда товар захираларининг айланиш коэффициентининг пасайиши билан ялпи фойда миқдорининг ўсиши ўртасидаги мутаносиблик кузатилган. Бу эса, ялпи фойданинг товар захираларининг айланиш рискига таъсирчанлигининг мавжудлигидан далолат беради. 2008, 2009 йилларда эса, товар захираларининг айланиш коэффициенти ўзгармаган ҳолда, ялпи фойда миқдорининг кескин камайиши юз берган. Ушбу ҳолат ялпи фойданинг рискнинг ушбу турига нисбатан таъсирининг сезиларсиз эканлигидан далолат беради.

2-жадвал

**“УМИД ОСИЁ” ХК да фойданинг товар захиралари ва дебитор қарздорликнинг айланиш рискига таъсирчанлик даражаси<sup>14</sup>**

Кўрсаткичлар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2009 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши
Дебитор қарздорлик, млн. сўм	6,6	6,2	1,6	3,0	5,7	- 0,9 %
Дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициенти, кунларда*	60	31	4	15	28	- 32 кун
Товар захиралари, млн. сўм	6,2	5,9	6,3	6,0	6,0	96,8 %
Товар захираларининг айланиш коэффициенти, кунларда**	62	29	16	30	30	- 32 кун
Маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда, млн. сўм	21,6	39,2	92,0	42,2	16,6	76,8 %

\* Дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициенти дебитор қарздорлик суммасини маҳсулотларни сотишдан олинган бир кунлик тушумга нисбатан бўлиш йўли билан аниқланди.

\*\* Товар захираларининг айланиш коэффициенти захиралар суммасини маҳсулотларни сотишдан олинган бир кунлик тушумга бўлиш йўли билан аниқланди.

Товар захираларининг айланиш коэффициентининг пасайиши ишлаб чиқарилган маҳсулотларни омборларда тўпланиб қолмаётганлигидан, яхши сотилаётганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотларни сотишдан олинган тушумлар миқдорининг ошишига олиб келади.

Таҳлил объекти бўлган “А’LO SIFAT” МЧЖ кичик бизнес корхонасида асосий фаолият тури лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш ҳисобланади, унинг доимий мижозлари “Охангаронцемент”, “Ўзметкомбинат”, “COSCOM”, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳисобланади.

<sup>14</sup> “УМИД ОСИЁ” ХК нинг йиллик баланс ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

“A’LO SIFAT” МЧЖнинг асосий молиявий натижалари<sup>15</sup>, (минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	2007 йил		2008 йил		2009 йил	
	даромад	харажат	даромад	харажат	даромад	харажат
Маҳсулот сотишдан тушган тушум	291371,4		329456,7		217370,9	
Сотилган маҳсулот таннархи		118630,4		177101,5		113551,1
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	172741,0		152355,2		103819,8	
Давр харажатлари, жами		50241,0		98086,3		59609,3
Сотиш харажатлари						
Маъмурий харажатлар		40936,5		84821,8		55046,8
Бошқа операцион харажатлар		9304,5		13264,5		4562,5
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари						
Асосий фаолиятнинг фойдаси	122500,0		54268,9		44210,5	
Молиявий фаолият даромадлари, жами						
Молиявий фаолият бўйича харажатлар						
Умумхўжалик фаолияти фойдаси	122500,0		54268,9		44210,5	
Фавкулудда фойда ва зарарлар						
Даромад солиғини тўлаунга қадар фойда	122500,0		54268,9		44210,5	
Даромад солиғи						
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		25173,1		24848,7		17389,7
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	97326,9		29420,2		26820,8	

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, “A’LO SIFAT” МЧЖда соф фойда миқдори таҳлил қилинган давр мобайнида камайиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу камайиш салбий ҳолат бўлиб, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– умумий тушумга нисбатан таннарх салмоғининг ортиб борганлиги (2007 йилда 40,7%, 2009 йилда - 52,2%);

– 2008-2009 йилларда маъмурий харажатлар миқдорининг 2007 йилга нисбатан барқарор суръатларда ўсганлиги;

– фойданинг товарларни сотиш жараёнидаги рискларга таъсирчанлик даражасининг сезиларли даражада юқори эканлиги.

2009 йилда корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар баҳосининг пасайиши ва буюртмалар ҳажмининг қисқариб кетганлиги маҳсулотларни сотишдан олинган тушум миқдорини 2008 йилга нисбатан сезиларли даражада камайишига сабаб бўлди.

Тадқиқот иши амалга ошириш жараёнида кичик бизнес корхоналарининг рискка таъсирчанлигини баҳолаш ва камайтириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

<sup>15</sup>“A’LO SIFAT” МЧЖ нинг йиллардаги молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

– кичик бизнес субъектлари фойдасининг рискка таъсирчанлигини баҳолашда ишлаб чиқариш rischi ва молиявий рискларни етарли даражада ҳисобга олинмаётганлиги;

– кичик бизнес субъектлари фойда кўрсаткичларининг маҳсулотларни сотиш жараёнидаги рисклар ва операцион рискка нисбатан таъсирчанлик даражасининг нисбатан юқори эканлиги;

– айрим кичик бизнес субъектларида таннархнинг тушумдаги салмоғининг ошиб кетиши натижасида ялпи фойда, асосий фаолиятдан олинadиган фойда ва соф фойданинг иқтисодий рискларга нисбатан таъсирчанлик даражасининг юқорилиги;

– кичик бизнес субъектлари фаолиятида рискларнинг таъсир этиш даражасини камайтириш имконини берувчи замонавий, илғор усуллардан фойдаланилмаётганлиги.

## ХУЛОСА

Танланган мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқот жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар** олинди:

1. Кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги рискларни тадқиқ қилиш жараёнида уларни таснифлашнинг такомиллашган тартиби ишлаб чиқилди. Мазкур тартибга мувофиқ, кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги рисклар қуйидаги етти гуруҳга бўлинди: ташқи муҳит билан боғлиқ рисклар, хўжалик фаолияти билан боғлиқ рисклар, тижорат рисклари, молиявий рисклар, инвестицион рисклар, мол-мулк билан боғлиқ рисклар, кадрлар билан боғлиқ рисклар.

2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги рискларни баҳолаш усулларини қиёсий таҳлил қилиш асосида, рискларнинг даражасини миқдорий аниқлаш усуллари бошқа усулларга нисбатан афзалдир, деган хулосани шакллантирдик. Ушбу хулосамиз қуйидаги далилларга таянади:

– рискларни баҳолашнинг миқдорий усуллари риск таъсирида аниқ иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариш тезлиги ва чегарасини аниқлаш имконини беради;

– рискларни баҳолашнинг миқдорий усули кичик бизнес субъектларининг фаолиятидаги иқтисодий рискларни бошқаришнинг турли усулларини таклиф этиш масаласига ойдинлик киритади;

– жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида кичик бизнес субъектларини давлат томонидан молиявий қўллаб - қувватлаш рискларнинг чуқурлашиши натижасида уларга етган зарарни миқдорий жиҳатдан аниқлаш заруриятини юзага келтирди.

3. 2005-2009 йилларда мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг ялпи фойдаси, маҳсулотларни сотишдан олинган фойда ва соф фойдасининг товарларни сотиш жараёнидаги рисклар ва операцион рискка нисбатан таъсирчанлик даражасининг

юқори эканлиги аниқланди. Ушбу таъсир натижасида фойда кўрсаткичлари ёмонлашиб, айрим кичик бизнес субъектлари молиявий йилни зарар билан якунлашди.

4. Тадқиқот натижалари кўрсатдики, айрим кичик бизнес субъектлари фойдасининг ишлаб чиқариш рискига нисбатан таъсирчанлиги юқори бўлиб, бунинг оқибатида уларнинг маҳсулотларни сотишдан олинadиган ялпи фойдаси миқдорининг камайиш тенденцияси юзага келди. Мазкур тенденцияни қисқа муддатли даврий оралиқларда бартараф этилмаслиги кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги иқтисодий рискларнинг чуқурлашишига олиб келади.

5. Республикамизда кичик бизнес субъектлари фойдасининг дебитор қарздорлик ва товар захираларининг айланиш коэффициентларини пасайиш рискига нисбатан таъсирчанлик даражасининг юқори эканлиги аниқланди. Мазкур коэффициентлар даражасининг ўзгариши натижасида ялпи фойда, асосий фаолиятдан олинadиган фойда ва соф фойда миқдорларининг ўзгариши кузатилди.

6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес субъектларининг фаолиятидаги ликвидлилик rischi чуқурлашди. Бу эса, ликвидлилик рискига фойданинг таъсирчанлигини баҳолаш ва камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш заруриятини юзага келтиради.

Тадқиқот ишида кичик бизнес корхоналари фойдаси шаклланишининг рискка таъсирчанлигини баҳолаш ва камайтиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф** ва **амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Рисклар ва унинг омиллари таҳлилида қўлланиладиган ҳисоблаш усулларида инфляция даражаси, солиқ ва мажбурий тўловлар миқдорининг ўзгариши, валюта курси ўзгариши, маҳсулот баҳосининг ўзгариши кабилар омиллар эътиборга олиниши лозим. Бунинг натижасида мумкин бўлган йўқотишлар баҳосини аниқлаш, мумкин бўлган йўқотишлар вариантларини солиштириш ва баҳолаш, мумкин бўлган йўқотишларни бартараф этиш бўйича корхона имкониятларини баҳолаш, мумкин бўлган йўқотишлар баҳосини корхона ресурслари ва имкониятлари билан ҳамда қабул қилинадиган қарорлар натижалари билан қиёслаш имконини беради.


2. Кичик бизнес субъектлари фойдаси кўрсаткичларининг иқтисодий рискларга нисбатан таъсирчанлик даражасини пасайтириш мақсадида: биринчидан, товар захиралари ва дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициентлари даражаларининг пасайиш тенденциясининг юзага келишига йўл қўймаслик лозим; иккинчидан, маҳаллийлаштириш дастури доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган кичик бизнес субъектларига давлат томонидан кредит кафолатларини бериш зарур; учинчидан, товар фьючерсларини қўллаш йўли билан хом-ашё ва материаллар баҳоларининг барқарорлик даражасига эришиш лозим.

3. Кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги рискларни суғурталаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик riskини суғурталовчи давлат суғурта компанияларининг устав

капиталини давлат маблағлари ҳисобидан ошириш ва ушбу маблағларни суғурта қоплаш суммалари сифатида мақсадли ишлатилишини таъминлаш зарур.

4. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида ликвидлилик рискининг чуқурлашишига йўл қўймаслик мақсадида жорий ликвидлилик коэффицентининг 2,0 дан кам бўлмаган даражасини норматив кўрсаткич сифатида белгилаб қўйиш лозим.

5. Ўзбекистон кичик бизнес корхоналарида рискларни бошқариш ва камайтириш тизимида аутсорсинг ва бечмаркингни интеграциялашган кўринишда қўллаш тартиби таклиф этилди.



**3-расм. Кичик бизнес корхоналарида рискларни бошқариш тартиби**

Жаҳон амалиётида қўлланиладиган аутсорсинг ва бенчмаркингларни Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари фойдасини шаклланишига таъсир этадиган рискларни бошқариш ва камайтириш амалиётида жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади. Рискларни бошқариш тизимида аутсорсинг ва бечмаркингни қўллаш рискларнинг юзага келиши эҳтимолини камайтиради ва корхонанинг самарали фаолият кўрсатишига хизмат қилади.

### **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Маматов Б.С., Шарифходжаева К.У. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар - иқтисодиёт тараққиётининг муҳим омили// Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. - Б. 336-338.

2. Маматов Б.С., Шарифходжаева К.У. Проблемы финансирования проектов малого предпринимательства// Ўзбекистон Республикаси молия тизими тараққиётининг долзарб муаммолари ва истиқболлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2006. - Б. 25-29.

3. Маматов Б.С., Носиров Э.И., Хужамкулов Д.Ю., Шарифходжаева К.У. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш / Тошкент, Ўқув қўлланма, 2007. - 152 б.
4. Шарифходжаева К.У. Кичик бизнес корхоналари тараққиётида фойданинг ўсиши омили// Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни: Республика илмий-амалий анжумани. - Тошкент, 2007. - Б. 213-215.
5. Шарифходжаева К.У., Шарифходжаева Ш.А. Управление денежными потоками и учет факторов риска в формировании прибыли в малых предприятиях // Биржа Эксперт. - Ташкент, 2008. - № 11-12. - С. 70-75.
6. Шарифходжаева К.У. Кичик бизнес корхоналарида фойдани шакллантириш омиллари ва хусусиятлари // Биржа Эксперт. - Ташкент, 2008. - №7-8. - Б. 19-21.
7. Шарифходжаева К.У. Тадбиркорлик фаолиятининг молиявий таъминоти - молиявий менежментнинг муҳим бўғини сифатида // Биржа Эксперт. - Тошкент, 2008. - № 11-12. - Б. 7-10.
8. Джамалов Х.Н., Шарифходжаева К.У. Гносеологические основы налога на прибыль предприятий // Биржа Эксперт. - Ташкент, 2008. - №5 - С. 60-61.
9. Шарифходжаева К.У. Комплексное страхование рисков - залог обеспечения эффективной деятельности предприятий. // Экономика и Финансы.- Москва, 2008. - №14. - С. 25-27.
10. Вахобов А.В., Шарифходжаева К.У. К вопросу определения критериев и показателей оценки эффективности кредитования малого бизнеса// Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли: Республика ўқув юртлараро конференция. - Тошкент, 2009. - Б. 201-203.
11. Каримова К.Д., Шарифходжаева К.У. Методические основы совершенствования стратегии и механизмов оценки состояния и развития малого бизнеса// Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари: Республика илмий-амалий анжумани. - Тошкент, 2010. - Б. 102-105.
12. Джамалов Х.Н., Шарифходжаева К.У. Финансовая стратегия компаний: теоретические факторы и основы оптимизации// Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари: Республика илмий-амалий анжумани. - Тошкент, 2010. - Б. 10-12.
13. Шарифходжаева К.У. Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқариш самарадорлиги// Баркамол авлод таълим-тарбиясида Ўзбекистон олима аёлларининг ўрни: Республика илмий-амалий анжумани. Тошкент, 2010. - Б. 165-168.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор К.У. Шарифходжаеванинг 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича “Рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсирини баҳолаш ва камайтириш” мавзусидаги диссертациясининг**

## **РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** кичик бизнес, фойда, риск, хусусий тадбиркорлик, кредит, кредит кафолати, суғурта, дебитор қарздорлик, товар захиралари, айланиш коэффициентлари, аутсорсинг, бенчмаркинг.

**Тадқиқот объектлари:** Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари молиявий-хўжалик фаолияти.

**Ишнинг мақсади:** Ўзбекистон Республикасида рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсирини баҳолаш ва камайтиришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, математик-статистик усуллар, индукция ва дедукция.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсир қилувчи рискларни таснифлашнинг такомиллашган варианты ишлаб чиқилди; фойдага рискларнинг таъсирини баҳолашда молиявий рискларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди; кичик бизнес корхоналари фойдасига иқтисодий рискларнинг таъсирини камайтириш йўналишлари ишлаб чиқилди; суғурта қоплаш суммаларини давлат томонидан кафолатлаш йўли билан кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик рискини суғурталашни такомиллаштириш таклифи асосланди.

**Амалий аҳамияти:** ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсирини баҳолаш ва камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”, “Инвестиция рискларини бошқариш” ўқув курсларининг дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертация ишининг илмий таклиф ва амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” (25 сентябрь 2009 йилдаги ShT 05/05 – 4363-сонли далолатнома), “UNIBALTIC INSURANCE” суғурта компанияси (29 декабрь 2009 йилдаги UI-276/ 12-09-сонли далолатнома), “TORSVIK MNM” МЧЖ чет эл корхонаси (1 декабрь 2009 йилдаги далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан Тошкент Молия институтида “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”, “Инвестиция рискларини бошқариш” ўқув курсларининг ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Қўлланиш соҳаси:** кичик бизнес корхоналари, олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации К.У. Шарифходжаевой на тему: «Оценка и снижение влияния рисков на прибыль предприятий малого бизнеса» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

**Ключевые слова:** малый бизнес, прибыль, риск, частное предпринимательство, кредит, кредитная гарантия, страхование, дебиторская задолженность, товарные запасы, коэффициенты оборачиваемости, аутсорсинг, бенчмаркинг.

**Объекты исследования:** финансово-хозяйственная деятельность действующих предприятий малого бизнеса в Республике Узбекистан.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на усовершенствование оценки и снижение влияния риска на прибыль предприятий малого бизнеса.

**Методы исследования:** группирование, сравнительный анализ, математико-статистические методы, индукция и дедукция.

**Полученные результаты и их новизна:** разработаны усовершенствованные варианты классификаций рисков, влияющих на прибыль предприятий малого бизнеса; обоснована необходимость учёта показателей финансовых рисков при оценке их влияния на прибыль; разработаны пути снижения рисков, влияющих на прибыль предприятий малого бизнеса; обоснована предложения по совершенствованию страхования предпринимательского риска субъектов малого бизнеса путем гарантирования сумм страхового возмещения.

**Практическая значимость:** разработанные научные предложения и практические рекомендации могут быть применены при разработке комплекса мер, направленных на совершенствование методики оценки и снижение влияния рисков на прибыль предприятий малого бизнеса. Материалы диссертации могут быть использованы для усовершенствования учебных программ курсов «Малый бизнес и предпринимательство», «Управление инвестиционными рисками» и в процессе преподавания высших учебных заведениях.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные предложения и практические рекомендации диссертационной работы были приняты для практического внедрения ОАКБ Республики Узбекистан «Қишлоқ қурилиш банк» (Акт внедрения от 25 сентября 2009 года), страховой компанией «UNIBALTIK INSURANCE» (Акт внедрения от 29 декабря 2009 года), иностранным предприятием ООО «TORSVIK MNM» (акт внедрения от 1 декабря 2009 года), частным предприятием «A LO SIFAT» (акт внедрения от 16 ноября 2009 год), ООО «DALMAT ENG» (акт от 9 декабря 2009 года). Материалы диссертации используются в Ташкентском финансовом институте при преподавании учебных курсов «Малый бизнес и предпринимательство», «Управление инвестиционными рисками».

**Область применения:** предприятия малого бизнеса, высшие учебные заведения.

## RESUME

**Thesis of K. U. Sharifhodjaeva on the scientific degree competition of the doctor of Philosophy in economics on specialty 08.00.07 - "Finances, Money Circulation and Credit"**  
**Subject: "Risk assessment, its minimization and its influence on the profitability of small businesses"**

**Key words:** small business, profit, risk, private business, credit, credit guarantee, insurance, debts, commodity stocks, flow coefficient, benchmarking, authoring.

**Subjects of research:** Finance-economic activities of small business enterprises working in the Republic of Uzbekistan.

**Purpose of work:** development of scientific framework and practical recommendations concerning the improvement of the risk influence mechanics, enterprise and small businesses income formation and risk reduction.

**Methods of research:** grouping, comparative analysis and mathematic statistics, induction and deduction.

**The results obtained and their novelty:** economic framework for small businesses income risks assessment and reduction is discovered, the author's interpretation of this agenda is provided; risks that influence small businesses income are classified and their factors are developed, theoretical and methodological basis of risk assessment discovered and presented; scientifically proven methods and recommendations concerning the improvement of criterion used by small businesses in assessing income risk.

**Practical value:** stand-alone scientific suggestions and practical recommendations of this dissertational research could be widely applied within the operations of small businesses in solving the issues of initial appraisal, assessment and reduction of risk and income maximisation, in improving their methodological basis, it could also form an integral part of Universities and Colleges relevant curriculums. Further development of small business enterprises which takes up an honourable place in the formation of the middle class in this country, in the increase of personal disposable income and quality of life, and moreover a contribution towards the development of financial science in accordance to the modern requirements.

**Degree of embed and economic effectivity:** the scientific suggestions and practical recommendations of this dissertation were accepted for implementation by OAKB "Qishloq qurilish bank" Republic of Uzbekistan (Act № ShT 05/05 – 4363 dd 25.09.2009), by an insurance company "UNIBALTIK INSURANCE" (Act № UI-276/ 12-09 dd 29.12.2009), by an overseas corporation OOO "TORSVIK MNM" (Act dd 01.12.2009), by a private company "A LO SIFAT" (акт dd 16.11.2009), OOO "DALMAT ENG" (Act dd 09.12.2009). Also, the suggestions and recommendations are widely used in the teachings materials by the Tashkent Finance Institute.

**Field of application:** Small business enterprises, Universities.

Тадқиқотчи: \_\_\_\_\_